



# Фарғона ҳақиқати

Ақл агар кўзга  
кўринувчи жисм  
бўлганда дунёни  
коронгулик  
босмас эди.  
ХАЛҚ ҲИҚМАТИ.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Сайтимизга ўтиш учун  
QR кодини телефонингиз  
орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

http://farhaqiqat.uz/

t.me/farhaqiqati

2021 йил 26 февраль, жума

№ 17 (24510)

Журналистлар мулоқоти кундалиги

## “ЧИМЁН” МЕДИАФОРУМИ ДУНЁ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан шу йилнинг 22-27 февраль кунлари вилоятнинг табиати бетакрор, суви шифобахш сихатгоҳида анъанавий “Чимён-2021” медиафоруми ўтказилмоқда.

Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан журналистлар жамулжам бўлган ва тўққизинчи бор ташкил этилаётган ушбу медиафорум дастури жуда ҳам ранг-баранг бўлиб, унда семинар-тренинглар, шоир-ёзувчилар, таниқли журналистлар иштирокида юзма-юз мулоқотлар ҳамда тахририятлар тақдимотларини ўтказиш, шунингдек, даволаниш муолажалари, маданий-маърифий тадбирларга кенг ўрин ажратилган.

Медиафорум кун тартибига кўра, дастлабки кунлари Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси вази-фасини бажарувчи Холмурод Салимов, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори Шерзодхон Қудратхўжаев, республика “Нуроний” газетаси бош муҳаррири Олимжон Ўсаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Мухаммадjon Обидовларнинг маърузаси тингланди. Самимий мулоқотлар жараёнида ўзаро

савол-жавоб, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Шунингдек, медиафорум иштирокчилари билан “Америка овози” ахборот агентлиги (АҚШ) муҳбири Навбахор Имомова, “Дунё ўзбеклари” интернет сайти (Канада) раҳбари Исмат Хушевлар онлайн мулоқот ўтказди.

Таниқли журналист Навбахор Имомова Ўзбекистонлик журналистларни қизиқтирган саволларга телефон орқали жавоб қайтариб, ўзбек матбуотида “тоза ҳаво” кириб келаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлади. Унинг қайд этишича, журналист адвокат, прокурор, кимдир тақдирига ҳукм ўқийдиган судья эмас. Шу боис журналист жаиятдаги иллатларга қарши курашувчи тийрак нигоҳли — фаол фуқаролик позициясига эга шахс сифатида намоён бўлиши керак.

— Бу каби расмий тадбирларда “Озодлик”, “Би-би-си” каби ахборот агентликлар вакилларининг иштирок этиши Ўзбекистон англонаётганидан, демократик тамойиллар ҳаётга кенг татбиқ



этилаётганидан далолат, — дейди “Дунё ўзбеклари” интернет сайти раҳбари Исмат Хушев.

Шунингдек, медиафорумнинг тизим дас-тури асосида Қўштепа тумани ҳокимлиги муассислигида нашр этилаётган “Истиқбол йўли”, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг бош наشري “Зарафшон” — “Са-

марқандский вестник” газеталари ҳамда тахририятнинг “Zarnews.uz” сайти тақдими бўлиб ўтди.

Анъанавий “Чимён-2021” медиафоруми 27 февраль кунига қадар давом этади.

Ботир МАДИЁРОВ.  
Суратларни Элёр ОЛИМОВ олган.



ТАКЛИФ

## ОХУНЖОН ҲАҚИМОВ НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛСА...

Кечагина ижодий сафарларда, маънавий-маданий тадбирларда, шеърят кечаларида биз билан бир сафда турган Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимов бугун орамизда йўқ. Дилтортар, пурмаъно сўзлари энди тарихга кўчди. У шоир, ёзувчи, драматург, публицист, таржмон сифатида ўзбек халқига катта ижодий мерос қолдирди. Бадиий адабиёт ва публицистиканинг деярли барча жанрларида битилган асарлари жамланган 30 дан ортиқ китоблари олтин фондга айланган. “Дунё” шеъри асосида ижро қилинган қўшиқ дунёнинг 17 тилида янрагани ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилган эмас.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов 1996 йилда қуйидагиларни ёзган эди: “Кейинги ўн-ўн беш йил ичида Охунжон Ҳақимовнинг кўплаб шеър ва ғазаллари қўшиққа айланган кетди. Анча-мунча доврўкли хонандалар шоир шеърларини қўйлаб, ном қозонганликларини албатта эътироф этмок керак. Шу боисдан бўлса керак, Охунжон Ҳақимов шеърлари хамиша қўлма-қўл. Бундан бир неча йил муқаддам “Туркистон” газетаси Охунжон Ҳақимовнинг биргина шеъри матнини чоп этишни сўраб газетхонлардан 450 га яқин мактуб олганини ёзган эди. Ҳамма шоирга ҳам ана шундай бахт насиб этсин”.

Яқинда беназир ижодкор Охунжон Ҳақимов хотира тадбирида иштирок этган таниқли ижодкорлар, зиёлилар, вилоятимиз нуронийлари, уламо-уламо устознинг инсоний фазилатлари ва ижодий фаолияти ҳақида илиқ фикр юритдилар, руҳи покларига атаб Қўрбон карим тиловат қилиниб, қўллар дуога очилди.

Мен Охунжон Ҳақимовнинг шоғирди, сафдоши сифатида унинг номи абадийлаштириш таклифини билдирмоқчиман. Вилоят ҳокими, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларга ном қўйиш вилоят комиссияси атоқли адиб, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимовнинг ўзбек адабиёти, маънавияти, маданияти ривожига қўшган ҳиссасини инобатга олиб, у таълим олган мактаб, маданий-маърифий муассаса ёки Фарғона шаҳар кўчаларидан бирига номи бериш масаласини кўриб чиқса, кўпчилик дилидаги эзгу иш амалга ошган бўлар эди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.



## ГАЗЕТАЛАР ЯШАЙДИ, ҚАЧОНКИ ЎҚУВЧИНИ ҚИЗИҚТИРА ОЛСА

Медиа майдонида ўз ўрнини топиш, воқеликларни тез, аниқ ва ҳолисона ёритиш давр талабига айланган. Бундай талабларга ёндаша олмаган даврий нашрлар ўқувчисини тез йўқотиб қўйиши мумкин.

Кейинги йилларда босма нашрлар яшаб қоладими ёки йўқ деган саволга жавоб топишда, айтиш жоиз бўлса, хавотирлик йўқ эмас.

Тажрибаларимга таяниб, ҳам журналист кадрлар тайёрлайдиган олийгоҳ ректори сифатида айтга оламани, газета жаият-тимиз, халқимизга керак, фақат қачонки унинг ўз ўқувчиси бўлса. Ўқувчисини йўқотмаслик,

балки улар сонини кўпайтириш масаласи эса бизнинг касб маҳоратимизга, воқеликлар билан ҳамнафас яшашимизга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Очиқ айтганимиз бўлса, мамлакатимизда босма нашрлар Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган кенг куламадаги ислохотлардан бир мунча орқанда қолмоқда. Аслида, Янги Ўзбекистоннинг янги қадамларини, халқаро

ҳамжаият томонидан тан олинаётган яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини дунёга тарғиб қилиш журналистларимизнинг ҳам касбий, ҳам инсоний бурчидир.

Одамлар орасида бугун газета-журналларни ҳеч қим, айниқса, ёшлар ўқимаётгани, деган фикрлар бор. Менимча, бундай бир томонлама қарашлар нотўғри. Янги авлод

вакиллари ҳам газетани бажонидил ўқийди, ўқимайди десак хато бўлади. Аммо улар энди газетани қозғома эмас, гаджетларда ўқийди. Худди бадиий китобларни электрон шаклда ўқиганидек, газетани ҳам шундай мутолаа қилади. Қачонки, газетада уни қизиқтира оладиган материал бўлса.

Мен газеталар халқимизга улар истоган форматда маълумот етказиши, ўқувчилар талабидан келиб чиққан ҳолда газета чиқариш керак деб ўйлайман. Газеталарнинг ҳам босма, ҳам интернет сайтини яратишни маъқуллайман.

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ,  
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори.

## Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# ҚОВЖИРАГАН АРИҚЛАР

## ёки Фарғона шаҳрига қачон оқин сув келади?

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳри кўча ва хиёбонларидаги ариқларни қайта тиклаш, улардан мунтазам равишда сув оқиб туришини таъминлаш топшириғини берди.



Ҳамсўхбатимнинг Фарғона шаҳридаги ариқлар хусусида айтган фикрларини тинглаб, кўнглим фаҳрга тўлди, бошқа жиҳатдан бироз ўйга толдим. Сабаби, ўзига хос ташриф қоғози сифатида қадрланган ариқларни сақлаш, тозалаш, фойдаланиш борасида эътибордан четда қолган манзаралар кўз ўнгимда гавдаланди. Турфа саволлар шаҳар ҳудуди бўйлаб ястаниб кетган ариқларнинг бугунги кўриниши билан танишишга ундади.

### БИРИНЧИ МАНЗИЛ

Сохибқирон Темуր кўчасидаги ташландиқ ҳолатдаги ариқлар кишини таажубго солади. Ажабланарлиси, бу масала билан ҳеч қим қизикмаётгандек. Бир неча йилдирки, тартибга келтирилмаган сув йўллари бузиб ташланган, тўпланиб қолган чиқиндилар уюми дилни хуфтон қилади. Ариқлардан ҳар қим хоҳлаган мақсадда фойдаланмоқда.

### ИККИНЧИ МАНЗИЛ

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғи. Йигирма икки йил аввал қайта реконструкция қилиш жараёнида Марғилонсойдан табиий усулда сув чиқарилиб, ўзига хос кўринишда тош ариқлар қурилди. Ҳудуд об-ҳавосини мўтадиллаштириш, мусофоллигини таъминлашга хизмат қилган бу ариқлар ҳам сувсизлик “қурбони”га айланган. У нафақат истироҳат боғидаги майса, дов-дарактлар, балки яқин атрофдаги маҳалла кўчаларидаги ички ариқларни сув билан таъминлаб келарди.

— Ўн йилдирки, боғ ҳудудида сув етиб келмайди, — дейди

юзасидан мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилдик, лекин ижобий ечим топгани йўқ.

Чорасиз қолган аҳоли экин ва дарахтларни сўғориш учун тоза ичимлик сувида фойдаланишга мажбур.

— Кўчалар, кўп қаватли уй-жойлар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда ариқлар муҳим аҳамиятга эга, — дейди Сохибқирон Темуր кўчаси, 57-а” уйда яшовчи Маргарита Деспехова. — Авваллари ички ариқларда сув оқиб ўтгани учун кўчат экиш, парваришланиш анъанага айланган. Бугун бундай эзгу амаллар унутулаётгандек. Чунки умид ва максад йўлида экилган кўчатлар сувсизликдан қуриб қолмоқда. Она табиат, атроф-муҳит мусофоллигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

истироҳат боғи директори Акмалжон Икромов. — Оқибатда экилган майса ва дарахтларни сўғоришда ўзига хос қийинчиликлар бор. Шу боис, оромгоҳдаги тош ариқларни сақлаб қолиш, сув олиб келиш чораларини излаяпмиз.

Эгасизлик, эътиборсизлик туфайли кўмилиб битган ариқларнинг аянчи манзараси ҳар қадамда учрайди. Аксарият сув йўллари аянчи аҳволда, қаровсиз. Ариқларни сақлаш, сув олиб келиш билан боғлиқ муаммолар ечимига қим масул?

— Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда, — дейди Фарғона шаҳар Ободонлаштириш



бошқармаси бош муҳандиси Азимжон Одилов. — Сув йўллари ни созлаш, қўшимча сув манбалари олиб келиш орқали бартараф этилади.

Сув — оби ҳаёт. Қадимдан халқимиз сой-дарёлар, ариқ ва каналлар қуришга, уларни асраб-авайлаш, ободонлаштиришга катта эътибор қаратган. Чунки она-Ватанимиз табиатининг ўзаги саналмиш сув йўллари, хусусан, вилоят бош кентидеги ариқларни асраш, тозаланига эътибор қаратиш долзарб вазифа эканлигини унутмаслигимиз керак.

Расулжон КАМОЛОВ.

## Мева ва сабзавот экспорти

2020 йилда

Ўзбекистон хорижга қиймати 1 миллиард долларга тенг бўлган 1,5 миллион тонна мева ва сабзавот экспорт қилди.

Бу соҳада Фарғона республика-миз вилоятлари орасида иккинчи ўринни (Тошкент вилоятидан сўнг) эгаллади. Утган йили фарғоналиклар хорижий давлатларга 207,2 миң тонна маҳсулот етказиб бердилар.

ЎЗБЕКИСТОН мева ва сабзавотларига



Шунингдек, юртимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар





“Чимён-2021” МЕДИАФОРУМИ

НАШРЛАР ТАҚДИМОТИ, ТАЖРИБА АЛМАШИШГА ИМКОНИАТ ЯРАТИЛДИ



Замонавий журналистиканинг умумий табиати сезиларли даражада ўзгарди: бу жамиятнинг шаффофлашаётгани, аудиториянинг фаоллашганлиги, шахслар фаолияти ва ахборот тезлигининг ўсганлиги билан бевосита боғлиқ.

Олимжон ЎСАРОВ, “Нуроний” газетаси ва “Кексалик ташти” журнали бош муҳаррири.

Маълумки, аудитория ахборотни тез ва соф ҳолатда қабул қилишни истайди, оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият ўртасида бетараф бўлиши тарафдори. Бу ҳолатлар аудиториянинг лаёқати, хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори ва ҳулқини шакллантиради. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари, хусусан, журналистлар жамият ва кишилар тақдири олдига жавобгарликни ҳис этмоғи лозим. Табиийки, бу журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Замонамиз шу қадар тез ривожланмоқдаки, бугунги кунда техник жиҳатдан глобал ахборот майдонига ахборот-коммуникацион технологиялари ривожланган давлатлар эгаллик қилмоқда. Ўзбекистон ана шундай шароитда ахборот асрига қадам қўйди. Бироқ унутмаслик жоиз, ахборот асри аталмиш ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари нафақат ахборот олиш воситаси, балки ижтимоий қарашларни шакллантирувчи куч сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Ахборотлашган жамиятни шакллантиришда ва демократик кадрлар қарор топишида матбуот ижтимоий институт

сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий онги ва саводхонлигини юксалтиришда, давлат ва ҳокимият тармоқлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда энг самарали воситадир. Шундай экан, очик фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини, уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабатлари йўналишларини замонавий шарт-шароитлар асосида қайта қўриб чиқишда, ўзаро тажриба алмашишда Фаргона вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси Фаргона вилояти бўлими томонидан ташкил этилган анъанавий “Чимён-2021” медиафоруми муҳим аҳамият касб этади. Кези келганда, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси Фаргона вилояти бўлими фаолияти ҳақида тўхталиб ўтмоқликни жоиз, деб биланам. Зеро, мамлакатимиз барча ҳудудларидан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир жойда тўплаб, замонавий журналистика олдига турган долзарб масалаларни соҳа мутахассислари, олимлар, таниқли хорижлик экспертлар, халқаро микёсдаги ахборот агентликлари масъулари иштирокида кенг муҳокамасини

ташкил этиш, журналистларнинг ўзаро тажриба алмашиши ва айрим “билагонлар” томонидан “босма нашрлар ўлади” деб турган бир пайтда ўқувчилар орасида ҳар томонлама ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган нашрлар тақдимоти га имкон яратиш, уларнинг илғор ва замонавий тажрибаларини оммалаштиришга ҳисса қўшиш ташаббускорлигининг амалий кўринишидир. Шубҳасиз, бу жараёнда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммадҷон Обидовнинг алоҳида хизматларини эътироф этиш жоиз. Вилоят журналистларининг нафақат моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётгани, балки мамлакатдан ташкил этилган сафарлари ташкил этилаётгани, ходимларнинг илғор хориж тажрибаларини ўрганиши борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга сазовор. Мазкур медиафорумда тренер сифатида иштирок этаётганимдан, юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ҳамкасблар ижоди ва фаолияти билан яқиндан танишиш, муҳими, ўзбек матбуотида замонавий услуб ва йўналишлар амалиётга кенг жорий этилаётганини ҳудудий нашрлар мисолида кўзатиш имконига эга бўлганимдан беҳад мамнун бўлдим.

Пресс-тур

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА ШАФФОФЛИК ВА ОЧИҚЛИК МУҲИМ

Мулк сотиб олмақчимсиз? Бўш турган бинони ижарага олишни истайсизми? Унда кимга мурожаат қилишни биласизми?

Бугун бу борадаги ишлар инсон омилсиз амалга оширилмоқда, тизимда ҳолислик, шаффофлик, очиқликни таъминлаш имконияти яратилган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Фаргона вилоят ҳудудий бошқармасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида “E-Ijo aukcion” онлайн майдончаси орқали савдоларга чиқарилган давлат мулк объектларини сотиб олиш тартиб-тамоиллари, қулайликлар, шаффофлик, ҳужжатларни расмийлаштириш, инвестиция мажбуриятларини бажаришда мулк эгаларига яратиб берилган имкониятлар хусусида маълумотлар берилди. Бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулк объектларини фаолиятини бошлаш истагини билдирган тадбиркорларга оммавий савдолар орқали сотишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йилнинг ўзида 164 та давлат активлари 75 миллиард 695 миллион сўм ҳамда 500 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш, 1217 та янги иш ўринлари яратиш шarti билан сотилди. Фаргона шаҳар “Шодиёна” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига жойлашган Фаргона

механика заводининг қурилиши тугалланмаган ўқув биноси узок йиллар давомида қаровсиз эди. Мулк “Artaped Alians” МЧЖ томонидан 499 миллион сўмга бир йил давомида 2 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 20 нафар янги иш ўринлари яратиш шarti билан сотилди. Бу ерда ортопедия йўналишида хизмат кўрсатувчи тиббий клиника қурилишини амалга оширяпмиз, — дейди тадбиркор Бекзод Уринбоев. — Шу кунга қадар 370 минг АҚШ доллари миқдорига тиббий жиҳозлар олиб келдик. Жалб этиладиган умумий инвестиция миқдори 6 миллиард сўмдан ошади. Журналистлар “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам танишди. “Фаргона ёғ-мой” АЖ ана шундай корхоналар сирасига қиради. Корхонанинг устав капиталигади 84, 45 фоиз давлат улуши 62, 2

миллиард сўм миқдорига савдога чиқарилган. Холбуки, корхона фаолияти тўхтагани йўқ. Аммо мавжуд қувватлардан самарали фойдалана олмаётпти. Асосий сабаб — хомашё етишмайди, янги қувватларни ишга тушириш учун сармога йўқ. — Корхоналарнинг хусусийлаштирилиши инвестиция миқдорини кенгайтириш, махсулот турларини кўпайтириш, хомашё базасини мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Нодирҷон Саидахмедов. — “Фаргона ёғ-мой” АЖ ички бозорда ўз ўрнига эга. Корхона фаолиятига хусусий инвестицияларнинг жалб этилиши бу борадаги ишларни янги бошқичага олиб чиқади. Бу йил вилоятдаги 13 та давлат активлари сотилиши белгиланган. Иштирокчилар ўтказилган хатлов натижасида бўш турган аниқланган, давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларига тегишли ва хусусий объектларни иш фаолиятига жалб этиш, аниқланган иншоотларни “E-Ijo aukcion” платформаларига жойлаштириш борасидаги ишлар кўламялари билан танишди. **Расулҷон КАМОЛОВ.**

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ – ДАВР ТАЛАБИ

Фаргона шахридаги “Тадбиркорлар уйи”да бошқарма ва ташкилотлар, давлат муассасаларида фаолият юритаётган АКТ мутахассислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда ташкилот ва муассасаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, веб-сайтлар фаолиятини ва электрон ахборот алмашиш жараёнини ривожлантириш каби мавзуларда кизгин баҳс-мунозаралар бўлди. — Глобаллашув жараёнида ахборотлар тезкорлиги, фуқароларнинг очик маълумотларни олишига қулайлик яратиш муҳим, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги АКТни ривожлантириш маркази директори Сирожиддин Маҳмудов. — Бироқ ана шу маълумот ва ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш, киберҳужумлардан ҳимоя қилиш ҳам долзарб

вазифалардан. Вилотимиздаги 60 дан ортик бошқарма ва ташкилотларнинг яридан кўпида веб-сайтлар фаолияти йўлга қўйилмаган. Борларининг сифати, саҳифалардаги маълумотларнинг янгилаб борилиши қониқарсиз аҳволда. Келгусида ҳар бир ташкилот фаолиятининг веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқларда мунтазам ёритиб борилиши, АКТ мутахассислари ва матбуот хизмати ходимларининг яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларда суствашкалик йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди.

Ҳ. БОЙБОБОВ.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

КўЧАМИЗНИ ЎЗИМИЗ ОБОД ҚИЛАМИЗ!

Халқимизнинг яхши одати бор: кишининг совуқ кунлари чекина ободонлаштириш ишларига киришиб кетади. Кўчалар, ариқ-зовурлар тозаланади. Дарахтларга ишлов берилиб, янгидан манзарали ва мевали кўчатлар ўтказилади.



Кувасой шахридаги «Найман» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳашири устидан чиқдик. Кимдир хонандон атрофидаги ариқни тозалаяпти, яна кимдир йўл бўйидаги дарахтларга ишлов бераяпти. — Ободонлаштириш ҳисса қўшаётганлар билан суҳбатлашдик. Ўзини Баҳодир Абдуҳолиқов, деб таништирган киши салом-алиқдан сўнг гап бошлади: — Маҳалламизда «Ўз уйимизни ўзимиз обод қиламиз!» шиори остида ҳашар ўтказилишини эшитиб ўтира олмадим. Эрталабдан фарзандларим билан ишга киридик. Хонандонимиз атрофини тозалаб, дарахтларга шакл бердик, окладик. Ўғлим гул қўчатларини олиб келди. Ариқ четларига ўтказдик. Қаранг, уйимиз атрофи, кўчамиз чирой очди. Маҳалла 4-секторга қарашли экан. Сектор раҳбари Хусанҷон Урманов (шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи) ни маҳалла идораси олдига учратдик. У техника, ишчи кучларини тақсимлаш бўйича маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашарди. — Ушбу маҳалла чекка, чегараолди ҳудуди ҳисобланади, — дейди у. — Бу ердаги муаммоларга ечим топиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ёрдам бериш мақсадида шаҳардаги мутасадди ташкилотларни жалб қилгандик. Бундан хабар толган аҳоли қараб турмади. Кўриб турганингиздек, барча ҳашарда иштирок этапти. Маҳалладаги 556 та хонандона 2600 нафардан зиёд аҳоли истиколат қилади. Улар асосан деҳқончилик, чорвачилик билан шугулланади. Қирўли, Шабнам, Чароғон кўчалари кишда лой, ёзда чанг бўлиб, қатновда қийинчилик туғдирарди. Кўчаларни шағаллаштириш учун 33 та махсус техника



воситалари жалб этилибди. Чароғон кўчасида олиб борилаётган шағаллаштириш ишларини кузатдик. Олдиндаги грейдер йўлнинг нотекис жойларини тўғрилаб кетаяпти. Яна бири ташиб келтирилаётган шағални пешма-пеш ёярди. Йўлсозлар билан маҳалла аҳли ёнма-ён ишляпти. Шинам кўчасидаги ичимлик суви тизими 6 ойдан буён носоз эди. “Ўзсувтаъминот” Кувасой шаҳар бўлими вакиллари тизимни таъмирлашга киришдилар. — Маҳалламизда истикомат қилувчи Бахтигул Чинқороева “Темир дафтар”га киритилган, — дейди Кувасой шаҳар Кенгаши депутаты Абдушуҷур Бўтабоев. — Унинг уйи таъмирталаб эди. Кувасой йўллардан фойдаланиш корхонаси вакиллари онахоннинг уйини жорий таъмирдан чиқаришди. Дарвозасини, йўлакни маҳалладошларимиз ҳоимлики асосида тартибга келтиришди. Бир бош қўй сўйилиб, тушликка палов дамланди. Ҳашарчилар дастурхон атрофида жам

бўлганда, гузарга дастурхон кўтарган 5-6 нафар онахонлар кириб келишди. Фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Гулнора Тўйқуллова уларга пешвоз чиқди. Онахонларнинг бири қатлама пишириб, бири ёғли патир ёпиб келтирибди. Хуллас, ҳашар байрамга айланаб кетди. У одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик, аҳиллик мустаҳкамлашига хизмат қилаётганига гувоҳ бўлдик. — Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида маҳалламиздан 654 нафар фуқаро қатнашмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулҳошим Қўзиев. — Ариқларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш, оклаш ишлари ниҳоясига етказилди. Янгидан 1200 тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Ҳашар туғайли Найман ўзгача қиёфа кашф этди.

Асқарали ТУРСУНОВ.

Жараён

Халқ депутатлари Фаргона вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кун тартибидаги биринчи масала — “Фаргона вилояти маҳаллий бюджетининг 2020 йилги ижроси ва 2021 йил бошига шаклланган кўшимча манбалардан мақсадли фойдаланиш” ҳақида вилоят молия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ғаниҷон Солиевнинг ахбороти тингланди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси вилоят бўлими маблағларини тасаруф этиш ҳақида” жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Баҳодир Йўлбарсов маъруза қилди.

Жамғарма Президентимиз та-шаббуси билан мамлакатимизда коронавирус инфекциясини кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган. Бунда халқимизнинг тарихий ва маънавий кадриятлари, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатлари инобатга олинган. Утган йили жамғармага 40,8 млрд. сўм миқдорига маблағ келиб тушган. Ушбу маблағларнинг 25,9 млрд. сўми халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашиларининг қарори билан 101 миңдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга, 11,8 млрд.

сўми кўп фарзандли оила, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, вақтинча ишсиз бўлган фуқароларга сектор раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари томонидан қундалик истеъмол махсулотлари, дори воситалари, нақд пул кўринишида етказилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 1405 та оилга 361 миллион сўмлик ёрдам берилди. Комиссия йиғилишида кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. **А. ТУРДИМАТОВ.**



# Yoshlar sahifasi 2 son

Oliy o'quv  
YURTLARIDA



**Bizning suhbat**

## Jamiyat istiqbolini belgilaydigan kuch

— Yaqinda Zozyovon tumanidagi Ittifoq mahallasida bo'lib, yoshlar bilan yuzma-yuz suhbatlashdik, ularning rejalari, muammolariga quloq tutdik, — deb so'z boshladi O'zbekiston Yoshlar ittifoqi viloyati Kengashi raisi Risolabxon MAMAJOVA. — Shu qishloqda istiqomat qiluvchi 75 nafar tadbirkorlarning aksariyati yoshlar. Ulardan biri — Feruzaxon Mahmudovanning shijoatini ko'rib, quvondik. O'z xonadonida tabiiy qurut mahsulotlarini tayyorlashni yo'lga qo'yg'an Feruzaxon mahallasidagi 20 nafar "Yoshlar" davlati"ga kirgan tengdoshlarini ham ishlari qilibdi. "Agar menga "Qo'qon—Zozyovon" katta yo'li yoqasidan 50 metrlik joy ajratilsa, 30 turdan ortiq qurut mahsuloti savdosini yo'lga qo'yib, yana 20 nafar tengdoshimni ish bilan ta'minlagan bo'lardim", degan shaxt bilan turibdi. Shu qishloqlik Olimjon Olimov esa yosh tomorqachi sifatida 6 sotix yer maydonida sabzavot ko'chatini parvarishlayapti, unga mahallaning 6 nafar ishchi ayollari ko'mak berib, daromad manbaiga ega bo'lishayotgan ekan.



Xalqaro ta'limda ustuvor tamoyil: **TALABA QIZLAR LIDERLIKKA O'QITILADI**

Talabalarni ijtimoiy faol hayotga tayyorlash, tashabbuskorlikka undash — xalqaro ta'limning muhim yo'nalishlaridan biri. Latviya axborot tizimlari menejmenti Oliy maktabining Farg'ona shahridagi filiali ana shu ustuvor maqsadni amalga oshirishga yo'naltirilgan an'anaviy loyihani amalga oshirdi.

taqdim qilgan yoshlar va faol ishtirokchilarga maxsus sertifikatlar taqdim etildi. Loyihaning uzviy davomi bo'lgan "Xotin-qizlar liderligi" mavzusidagi seminar-treningda Latviyaning axborot tizimlari menejmenti Oliy maktabi pedagog va psixologlari ham onlayn ishtirok etishmoqda. Malakali ekspertlar tomonidan olib borilayotgan amaliy psixologik darslar qizlardagi boshqaruvchilik qobiliyatini yuzaga chiqarish, jamiyatda munosib o'rin egallashga shijoatini ustuvor qilib o'tirish, bo'sh vaqtlarini mazmunli va samarali mashg'ulotlarga yo'naltirish kabi ezuq masqalarga qaratildi.

Seminar-trening fevral oyining yakuniga qadar davom etadi. **Mohitobon KOMILOVA, filial o'quv ishlari bo'yicha prorektori.**

## Xorijdagi TENGDOSHIM



Prezidentimiz belgilab bergan "mahallabay" ishlab tizimi orqali hududlardagi yoshlarni ishli qilaymiz. Viloyatimizda 14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar 1 mln. 799 ming 202 nafarni tashkil etadi. 2331 ta boshlang'ich tashkilotlar faoliyati yo'lga qo'yilgan. Umumta'lim maktablarida 13 ming 272 nafar sardorlar Kengashi a'zolari faoliyat yuritadi. Viloyatimizning 15 ming nafardan ziyod faol va yetakchi yoshlari samarador loyiha va tadbirlarni o'tkazishda qanot bo'laladi.

Yoshlarning turli yo'nalishlardagi iqtidorini namoyon qilishga ko'maklashish va munosib rag'batlantirish maqsadida an'anaviy o'tkazilayotgan "Kamalak yulduzlari" bolalar ijodiyoti festivali, yosh avlodni milliy qadriyatlariga hurmat ruhida tarbiyalashga qaratilgan "Qadriyat, urf-odat, an'ana va yoshlar" anjumani, "Yosh kitobxon" intellektual tanlovi, "Chempion va yoshlar", "Hokim va yoshlar", "Yoshlar eko hayotini tanlaydi", "Bir yoshga bir nihol" kabi loyihalarni alohida e'tirof etish kerak.

Yoshlar ittifoqi bugungi istiqbolli yosh kadrlar uchun "sotsial lift" vazifasini bajarmoqda. 2017-yildan buyon 500 dan ortiq farg'onalik yoshlar yetakchilari davlat boshqaruvi organlarining rahbarlik lavozimlariga tayinlangan bo'lsa, joriy yilning o'zida 17 nafar faol va yetakchi yoshlarga ana shunday ishonch bildirildi. Yoshlar ittifoqining "Farg'ona Azot" aksiyadorlik jamiyati boshlang'ich tashkiloti yetakchisi Boburjon Mo'minovning Farg'ona shahar hokimi birinchi o'rinbosari etib tayinlangani bunga misol bo'ladi.

"Yoshlar — kelajagimiz" jamg'armasi tomonidan beriladigan imtiyozli kredit mablag'lari asosida bugungi kungacha yuzlab yosh tadbirkorlar o'z ishini yaratishdi. Farg'ona shaharlik Bobur Boyqoz'yev qiymati 500 mln. so'mlik loyiha — "Bobur fayz" tikuv-trikotaj mahsulotlarini ishlab chiqarishga mo'ljallangan korxonani tashkil etib, 50 ta yangi ish o'rni yaratdi. Toshloq tumanlik Farrux Egamberdiyev 1 mlrd. so'm jamg'arma mablag'i asosida "Alfa elegant" tibbiy diagnostika markazini tashkil etdi. Bir so'z bilan aytganda, Prezidentimiz tashabbusi bilan tashkil etilgan mazkur jamg'arma tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yish istagidagi yoshlarning istiqbolli rejalari amalga oshirishga xizmat qilayapti.

— **Yoshlar o'rtasidagi jinoyatchilikka qarshi kurashish Yoshlar ittifoqi qardashi muhim vazifalardan biri.** — Albatta. Hozirgi "mahallabay" ishlab tizimi orqali yoshlar huquqbuzarligini oldini olishga e'tibor qaratiyapmi. Avvalo, mahallalarda yoshlar bandligi ta'minlanishi, bo'sh vaqtlarini qanday o'tkazayotganini o'rganish ham ularni turli jinoyat yo'llariga kirib qolishidan asrashning muhim yo'li. 2020-yilda Yoshlar ittifoqi tomonidan o'tkazilgan "Hammasi o'z qo'lgingda!" targ'ibot tadbirlari orqali 155 nafar jinoyat qilishga moyil yoshlarning sog'lom va faol hayotga

qaytarilishiga erishdik. Shuningdek, Yoshlar ittifoqi adashib jinoyat yo'liga kirgan, sodir etgan jinoyi qilmishidan chin ko'ngildan pushaymon bo'lgan yoshlarni "Yoshlar kafilligi" asosida sud zalidan ozod qilinishini ta'minlayapti. Qo'qon shaharlik Ramzbek Ro'zimatov huquqbuzarlik sodir etib, sudning qora kursida o'tirdi. Uning avvalgi sport sohasida erishgan yutuqlarini hisobga olib, Yoshlar ittifoqi tomonidan kafillikka olindi. Hozirda u Qo'qon davlat pedagogika institutida tahsilni davom ettirayapti. Bezorilik jinoyatini sodir etgan Islombek Shomansurov sodir etgan jinoyat ustida sud jarayonini davom etmoqda. Uni ham, avvalo, sud zalidan ozod bo'lishi, qolaversa, qayta jinoyat sodir etmasligi, bandligi ta'minlanib, sog'lom hayotga qaytarilishini o'z nazoratimizga olamiz.

— **Mukofotlar, stipendiya, tanlovlar, grantlar, forum va festivallar... Bularning bari yoshlar va ularga yorqin kelajak yaratish maqsadiga yo'naltirilgan.** — 2020-yilning 25-dekabr kuni Respublikada "Yoshlar forumi" da Prezidentimiz ishtirok etib, natuq so'zlaganlari, biz bilan samimiy muloqot qilganlari O'zbekiston yoshlari hayotida katta tarixiy voqea bo'ldi. Yoshlar bandligini ta'minlash, ularni har tomonlama qo'llab-quvvatlash Prezidentimizning Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasida alohida ta'kidlandi. Yurtimizda yoshlar bilan ishlashning yangicha tizimi joriy etilayotgani, xususan, har bir hududda "Yoshlar" daftari ning shakllantirilishi ham muhim islohot sifatida e'tirof etilmog'ida.

Yangi lider yoshlarni kashf etayapmiz. Sadaf Husanboyev, Mirzohid Olimov, Otaxon Xayrullaev, Sardorbek Hakimov, Dilonza Sulaymonova, Otabek Sobirov, Ahmadali Hakimov, Davron Mo'yidinov, Madina Mamatbuvayeva singari yuzlab faol yoshlarning har biri o'zining turli sohalarida erishayotgan yutuqlari bilan tengdoshlariga motivatsiya bera olayaptilar. Pandemiya davrida ko'ngilli yoshlar safida fidoyilik ko'rsatgan 21 nafar yoshlar davlatimiz rahbarining "Mehrsaxovat" ko'krak nishoni bilan taqdirlandi, yana 21 nafar farg'onalik yigit-qizlar nomi Buxoro viloyatida tashkil etilgan "Motivator - 2021" shiori ostidagi "Yoshlar yetakchilari forumi" da e'tirof etildi. Bunday yoshlar safini kengaytirish, ularning jamiyatda munosib o'rin egallashlariga sharoit yaratish — bizning vazifamiz. Yoshlar hayoti jamiyat istiqbolini belgilaydi. Demak, yosh avlodini o'z kelajagi, Vatani manfaatlarini uchun mas'uliyatli inson bo'lishlariga ko'mak berish, ularning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlashga qaratilgan barcha sa'y-harakatlarimiz o'z samarasini beradi, albatta.

## O'ZBEK TIBBIYOTI BRENDINI YARATISH — oliy maqsadim

**A**bu Ali ibn Sino bobomiz yozib qoldirgan "Tib qonunlari" kitobi Yevropaning eng nafuzli tibbiyot oliygohlarida muhim darslik sifatida foydalanishini yaxshi bilamiz. O'zim tahsil oladigan Rossiya Xalqaro o'stigi xalqaro universitetining tibbiyot fakultetida ham mazkur kitob asosidagi ko'plab ma'ruzalarni tinglashga muvaffaq bo'ldim. Hozirda xalqaro oliygohning miya jarrohligi yo'nalishida o'qiyman. Moskva shahridagi Burdenko nomli ilmiy-tekshirish markazida ham faoliyat olib borib, 3 ta tibbiyotga doir qo'llanma yaratdim. 2019-yilda universitet talabalari o'rtasida o'tkazilgan tanlovda "Yilning eng faol talabasi" deb topildim. Ingliz va rus tillarini puxta o'rganishga erishdim. Ayni paytda miya va yurak xirurgiyasiga oid xorijiy kitoblarni tadqiqiy o'rganayapman. Tibbiyotga oid bilimlarni mukammal o'rganib, O'zbekistonda ham Hindiston, Isroil, Koreya Respublikasi, AQSh, Rossiya davlatlaridagi singari zamonaviy va yuqori sifatli tibbiy xizmat ko'rsatuvchi, ko'p tarmoqli klinika tashkil etishni niyat qilganman. Eng oliy maqsadim esa butun dunyoda O'zbekiston tibbiyoti brendini yaratishga munosib hissa qo'shish.

**Muhammadali MUXTOROV, Rossiya Xalqaro o'stigi universiteti talabasi.**

## Daromadim manbai yaratildi

Astoydil mehnat qilsam, hayotim yanada yaxshilanadi

**R**ossiyada qariyb to'rt yil mehnat muhojiri sifatida kuchim, sog'ligim yetganicha mehnat qildim. Ammo anglab yetdimki, inson, avvalo, o'z Vatanida, elida qadr topishga intilishi, ona yurtida bork kuch-g'ayratini ishga solishi kerak ekan. Daromadsiz qolganidan Vatanim menga ana shunday imkon berdi. Olti yil tumanida barpo etilgan "Fayzi bog'lar sari" umumchilik kooperatsiyasida ish boshlagan yoshlar bilan uchrashdim. Men kabi yana ellik nafardan ziyod yoshlar yer egasi bo'lishdi. Bizga daromad manbai berildi, astoydil mehnat qilsam, ertaga iqtisodiy imkoniyatlarimiz yanada yaxshilanishi aniq.

Biz plyonka ostiga sabzavot ekib, yiliga to'rt martagacha hosil olishimiz mumkin. Hozir karam barq urib o'syapti, mo'l hosilini ko'zlab turibman. Kooperatsiya tomonidan o'g'it, urug' va ko'chat masalasida muntazam ko'mak berilyapti. Davlatimiz rahbari joriy yilning 4-5-fevral kunlari viloyatimizda tashrif chog'ida mazkur umumchilik kooperatsiyasida ish boshlagan yoshlar bilan uchrashdim. "Har bir yosh haqida ota-onasi qanday qayg'ursa, men ham shunday qayg'uraman", — dedi Prezidentimiz biz bilan suhbatda. "Bugun yoshlarga daromad manbai yaratib, ish

o'rgatib, tetapoya qilsak, 2-3 yildan keyin hech kimga qarab bo'lmaydi — bankda hisob-raqami bo'ladi, uy oladi, yaxshi yashaydi, bolalarini yaxshi tarbiyalaydi", degan so'zlari yanada ruhini ko'tardi, o'zimga ishonchimni ortirdi. Kelgusida ekin maydonlarimizni yanada kengaytirish, bozorbo mahsulotlar ekish, tengdoshlarim, mahalladoshlarim uchun ham yangi ish o'rinlari yaratishni maqsad qilganman.

**Boburjon ABDUQODIROV, Oltiariq tumani, Qapchug'ay qishlog'i.**

## Qo'shtepaning bugungi avlodlari

**Qo'shtepaga ijodiy safarimiz chog'ida Yoshlar ishlari agentligi tuman bo'limi mutasaddilari bilan O'qchi qishlog'ida 30 nafar ishsiz yoshlarga 10-20 sotixdan yer ajratib berilayotgan jarayonda uchrashdik.** — Tumanida 18 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan yoshlar 38216 tani tashkil etadi, ularning 4921 tasi doimiy ish o'rniga ega emas, — deydi Yoshlar ishlari agentligi tuman bo'limi raisi Abulqosim Abudumalikov. — O'zini mavsumiy ish bilan band qilganlar ikki ming nafardan oshadi. Huddudimizda bog'dorchilik, tomorqachilik, hunarmandchilik yaxshi rivojlangan. Tumanida faoliyat ko'rsatayotgan "Ismoiljon gilamlari" xususiy korxonasida 440 nafardan ziyod hunarmand yoshlarimiz mehnat qiladi. Hozirgacha birgina Oqtepa qishlog'ining 65 nafar, qayrag'ochlik 58 nafar, qoraqushchilik 40 nafar, yo'lidoshobodlik 34 nafar yigit-qizlar yerli bo'lishdi. Bu huddudagi "Yoshlar daftari"ga kiritilgan yigit-qizlarni ish bilan ta'minlash yo'lidagi harakatlarimizdan biri, xolos. "Yoshlar: 1+1" loyihasi doirasida har bir tadbirkorga bittadan yoshni birlashtirish ham ancha foydali bo'ldi. Yil boshidan beri 48 nafar ishsiz, biroq hunar o'rganishga ishtiyoqmand yoshlarni usta-hunarmandlar o'z yoniga olishdi. Tumaning Shahar tepa va Langar qishloqlari markazida "Mono-markaz"larda kasb-hunarga o'qitilgan 20 nafar yigit-qizlar esa ayni paytda o'z ishiga ega.

**KUCHI — YURAGIDA, IRODASIDA**

bo'lish, nufuzli xalqaro musobaqalarda yurtimning, Yurtboshimning, ota-onamning ishonchini oqlash.

**HUNARI — HAYOTIGA ZEB**

**Y**oshlar ishlari agentligi tuman bo'limi yo'llanmasi bilan tumandagi "Monomarkaz"da kasb-hunarga o'qitilib, sertifikat olgan yosh hunarmand Suydixon Abdurazzoqova: — Hunarmandchilikni yo'lga qo'yganimga ko'p bo'lmadi, lekin g'ayratim ichimga sig'mayapti. Nasib qilsa, katta tikuvchilik va to'quvchilik sexi tashkil etib, tadbirkor ayol bo'lganimda, yana siz bilan suhbatlashaman. Onam bilan to'qigan yuzdan ortiq turdagi mahsulotlarimizni tumanimizdagi bozor va savdo markazlariga yetkazib berayapmiz. Endilikda Yoshlar markazida to'garak tashkil etib, hunarimni yoshlarga o'rgatayapman. Quloqlarimiz Suydixonning so'zlarida, nigohlarimiz esa uning "gul qo'l"larida yarialgan bejirim kiyim va o'yinchoqlar, aksessuarlarga mahliyo edi.

**ADIBANING "HAYRAT" I OLAM KEZSIN**

**T**umanimizda she'rga, adabiyotga mehr qo'ygan yuzlab idoriteli tengdoshlarim bor. Ularning jod namunalari "Yoshlar bayozi" sifatida chop etilishi uchun amaliy ko'mak berishimizni so'rayman. O'tgan yil tuman hokimi Ilyos Novikovning yoshlar bilan uchrashuvida Mullaqayrag'och qishlog'lik Adiba Rahmatjonova ushbu taklifni bildirgan edi. Tuman hokimligi tomonidan ajratilgan 50 mln. so'm mablag' evaziga Adiba singari yosh shoiralarning she'riy to'plamlari va orzu qilingan tuman yoshlari bayozi nashr etildi. "Qo'shtepa ilhomlari" deb nomlangan to'plamdan 50 dan ortiq yosh qalamkashlarining jod namunalari o'rin oldi. "Hayrat" esa Adibaning ikkinchi she'riy kitobi, uning ilk she'riy mashqari "Tomchida dunyo aksii" to'plamida jam bo'lgan. U Marg'ilon shahridagi "Uvaysiy izdoshlari", O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi viloyat bo'limi qoshidagi "Oltin qalam" to'garagi a'zosi, Farg'ona davlat universitetining filologiya fakulteti talabasi. Adiba ayni paytda rus, ingliz va nemis tillarini puxta o'rganishga kirishgan. Maqsadi o'z she'rlari, o'zbek she'riyati namunalari xorijiy tillarga tarjima qilish. Katta marralarni ko'zlab turgan shijoatli yoshlarni tinglar ekanmiz, Qo'shtepaning istiqbol, ertisiga bo'lgan umidimiz, ishonchimiz yuksaldi. Ularning shaxdam odimlariga bardavomlik tiladik.

**Sahifa materiallarini "Farg'ona haqiqati" gazetasi maxsus muxbiri Dilnavoz QO'LDOSHEVA tayyorladi.**





Мақтабгача таълим

**БОҒЧАГА ҚАМРОВ  
80 ФОИЗГА  
ЕТКАЗИЛАДИ**

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА  
2020 ЙИЛДА



853 та  
давлат

1362 та  
нодавлат

**2215 та**



**200 000** мақтабгача таълим ташкилотларига қарийб  
нафар болалар қамраб олиниб, кўрсаткич 65,3 фоизга  
етказилди.

**М**ухтарам Президентимиз жорий йилнинг 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи домида келажакимиз ворисларига эътибор ва рағбат кўрсатиш доимий устувор вазифа эканлигини таъкидладилар. 2021 йили вилоятда 18 та мақтабгача таълим ташкилотларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ҳамда 323 та оилавий ва давлат-хусусий шериклиги асосида нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, 6 ёшли болаларни мақтабгача тайёрлов гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали мақтабгача таълимга қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш белгиланди.

Ҳозирги кунда вилоятда 1362 та нодавлат мақтабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 505 та янги нодавлат мақтабгача таълим муассасалари ташкил этилди. 2021 йили яна 323 та нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Айни пайтда вилоят бўйича 133 та маҳалла фуқаролар йиғинларида мақтабгача таълим ташкилотлари йўқ. Шу боис маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ушбу ҳудудларда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида замонавий боғчалар барпо этиш чоралари кўриляпти. Бу борада ўнлаб тadbиркорлар ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиб, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатувчи мухташам мақтабгача таълим муассасалари қуриш ташаббусини илгартиришмоқда.

**Юлдуз ХҲЖАЕВА,**  
Фарғона вилояти мақтабгача таълим бошқармаси бошлиғи.

**БОЛАГА СЕРТИФИКАТ БЕРИЛАДИ**

Мамлакатимизда 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида “Илм йўли” дастури ишлаб чиқилган.



**Р**иштон туманидаги 62-мақтабгача таълим ташкилотидида “6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш” мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Бағдод, Бувайда, Учкўприк, Данғара, Ўзбекистон, Бешарик туманлари ҳамда Марғилон, Қўқон шаҳарлари мақтабгача таълим бўлимларининг услубчилари қатнашди.

Вилоят мақтабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ю. Хўжаева 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш бўйича вилоятимизда, хусусан, Риштон туманида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Туманда 112 та мақтабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Шундан 62 таси давлат, 50

таси нодавлат мақтабгача таълим ташкилоти. Айни вақтда 3282 нафар 6 ёшли болаларнинг 3085 нафари (94 фоиз) мактаб таълимга бепул тайёрлаш гуруҳларига қамраб олинган.

Семинарда 62-мақтабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Давлатой Исмоилова болани мустақил фикрлашга, нутқини ривожлантиришга, атрофдаги олам билан мулоқотга киришига қаровлини амалий машғулот ўтказди. Услубчи Мавлуда Маҳкамованинг мавзу бўйича ўтказган тақдироти ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тайёрлов гуруҳлари машғулотлари ниҳоясига етгач, ҳар бир болага мактаб таълимга тайёрлиги ҳақида сертификат берилди.

Ўз мухбиримиз.

**НАЗАРИЙ БИЛИМ АМАЛИЁТДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА**

Бувайда тумани педагогика коллежида мақтабгача таълим тарбиячиси, ёрдамчи тарбиячи ва муносиқ таълим йўналишида 246 нафар ёшлар тахсил олмақда. Бу ерда ёшларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда коллеж қوشиди 6 ёшли болаларни мактаб таълимга тайёрлаш гуруҳлари ташкил этилди. 50 нафар кичикинтойларни янги таълим дастурлари, инновацион технологиялар ёрдамида таълимга тайёрлашда коллеж ўқувчилари иштирок этмоқда.

**М**ашғулотлар жонли мулоқот, амалий иш жараёнлари билан ўйин олиб борилаётгани талабаларнинг касб-хунарга бўлган кўникмаларини ошириш, болажонлар билан ишлашда назарий билимларини амалиётда қўллаш, бойитиш имкониятини бермоқда, — дейди коллеж директори Барноҳон Турғунова.

Коллежда “Моно марказ” фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Қисқа муддатли ўқув марказида аёллар ва эркаклар сартароши, тикувчилик, темирчилик, дурадгорлик, компьютер саводхонлиги, тил ўргатиш гуруҳларида машғулотлар олиб бориламоқда.

**Матн ва сурат муаллифи Шерзод ҚОРАБОЕВ.**



**Жараён**

**Раҳбар аёллар кўрик-танлови ўтказилди**



Фарғона шахрида вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан “Маҳоратли ўзбек раҳбар аёллари” кўрик-танлови ўтказилди.



**В**илоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган танловнинг мақсади — ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, қадриятларини кенг тарғиб қилиш орқали аҳоли орасида қадриятларимизга ҳурмат, эътибор ҳиссини ошириш, давлат муассасаларида фаолият юритаётган аёлларни оилавий қадриятларга хос ва мослигини синовдан ўтказиш, уларни рағбатлантириш ва тажрибаларни кенг оммалаштиришдан иборат.

Танлов жараёнида туманлар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари

бошлиқларнинг биринчи ўринбосарлари, хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари 3 та шарт бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Иштирокчилар миллий либосларда баҳор фаслига хос миллий таомлар — кўк сомса, чучвара, қатлама, баҳорий пишириқлар, чалпақ, ҳолвайтар тайёрладилар.

Турилли номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, тақдирланди.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**  
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

**Ташаббус ижроси — амалда**

**“МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТАЖРИБАСИ**  
бўйича семинарлар

**М**арказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси ташаббуси билан Олтиариқ, Риштон, Бағдод, Бувайда ва Учкўприк туманларида “Маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш бўйича ўқув-семинарлари ташкил этилди. Иштирокчиларга “Маҳаллабай” ишлаш тизими учта йўналиш бўйича тушунтирилди.

**Б**иринчи йўналишда тумандаги маҳаллаларга номма-ном бириктирилган тижорат банкларининг тажрибали мутахассислари томонидан маҳалла раислари ва фаоллари билан биргалликда иш ташкил этилди. Унда кредит ажратиш ва ушбу наблигдан самарали фойдаланиш, истиқболли тadbиркорлик лойиҳалари борасида ўзаро тажриба алмашилди. Иккинчи йўналишда

тўртта секторда тижорат банклари ва иқтисодий комплекснинг малакали мутахассисларидан иборат “Бошқарув офиси”лари ташкил этилиб, ўзаро ҳамкорликда ҳар бир маҳалла кесимида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Учинчи йўналишда эса туман ҳокимининг иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни



қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бошчилигидаги мувофиқлаштирувчи гуруҳга ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш учун киритилди.

— Бу борада белгиланган вазифалар ижроси таъминлашни бўйича сектор раҳбарлари масъулияти кучайтирилмоқда, — дейди Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош

бошқармаси бошлиғи Туробжон Қундузов. — Бундан буён сектор раҳбарлари ҳар чорақда халқ депутатлиги маҳаллий Кенгашлари олдида ҳисобот бериб боради.

**Ботир МАДИЁРОВ.**

**ЭЪЛОНЛАР**

**МУҚИМНИ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚЎЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Кафедра доценти лавозимига:**

1. Технологик таълим кафедраси.
2. Математика-информатика кафедраси.
3. Дефектология кафедраси.

**Кафедра катта ўқитувчиси лавозимига:**

1. Математика-информатика кафедраси.
2. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси.
3. Факультетлараро чет тили кафедраси.

**Кафедра ўқитувчиси лавозимига:**

1. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси.
2. Рус тили ва адабиёти кафедраси.
3. Масофавий таълим кафедраси.
4. Факультетлараро рус тили.
5. Факультетлараро математика-информатика кафедраси.
6. Ижтимоий фанлар кафедраси.
7. Бошланғич таълим кафедраси.
8. Тарих кафедраси.

**Кафедра стажёр-ўқитувчи лавозимига:**

1. Факультетлараро рус тили кафедраси.

**Факультетлараро чет тили кафедраси.**

2. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси.
3. Рус тили ва адабиёти кафедраси.
4. Математика-информатика кафедраси.
5. Факультетлараро математика-информатика кафедраси.
6. Физика ва астрономия кафедраси.
7. Дефектология кафедраси.
8. Педагогика-психология кафедраси.
9. Мақтаб менежменти кафедраси.
10. Мақтабгача таълими кафедраси.
11. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси.
12. Масофавий таълим кафедраси.
13. Масофавий таълим кафедраси. Танловга ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

**Мурожаат учун манзил:** Қўқон шаҳар, Турон кўчаси, 23-уй. Ректорат биноси 6-хона.

**Институт кенгаши котиби.**  
Телефон: 97-557-69-25.

**ФЕРМЕР БЎЛМОҚЧИМИСIZ...**

Қува тумани ҳокимининг 2020 йил 31 декабрдаги 2994-сонли қарори билан тумандаги “Аҳмад ал-Фарғоний” ММТП ҳудудидаги туман захирасида турган 38, 39 қ-контурлардаги жами 35,70 га ер майдони (шундан 30,23 га экин ери, 0,45 га ўтзор, 4,74 га сув остидаги ерлар, 0,17 га йўллар, 0,10 га қурилиш) танлов ўтказиш масалалари билан шугулланувчи доимий ишловчи туман комиссияси томонидан фуқароларга янги фермер ҳўжалиги ташкил этиш ёки мавжуд фермер ҳўжаликлари хисобига бириктириб олиш бўйича тендер танлови ўтказилиши

**МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона политехника институти ҳузуридаги Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш техникуми (собик Фарғона политехникуми)ни 2002 йилда тамомлаган Отахўжаева (Холматова) Гулжаҳон Бурибаевна номига берилган Т 067369 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона давлат университетини 2011 йилда тамомлаган Юлдашев Дониёржон Исоимидинович номига берилган В 595043 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти 1-аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини 2014 йилда тамомлаган Гофуров Асроржон Фуломжон ўғли номига берилган U 6695064 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Якка тартибдаги тadbиркор Абдуллаев Жаҳонхир Валишер ўғли номига берилган думалок муҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 2-айрим фанлар чўқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган ўрта таълим мактабини 2020 йилда тамомлаган Аҳмедов Бобурмирзо Бахтиёр ўғли номига берилган ИМ 0670418 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона давлат университети раҳбарияти, қасаба уюшмаси кўмитаси ҳамда филология факультети жамоаси “Адабиётшунослик кафедраси” катта ўқитувчиси Манзура Жўраевага акиси

**АДДАҲАМЖОН АКАНИНГ**

вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

<p><b>МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</b></p>	<p><b>Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ</b></p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темура кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p>
<p>Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.</p>		<p>Баҳоси келишилган нархда.</p>		<p>Саҳифаловчи Алишер Розиков.</p>

